



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 27 - Mart

5614 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Отажонов Шермат
Шоназаровичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Ғалаба” маҳалласида яшовчи фуқаро Отажонов Шермат Шоназаровичнинг “Ғалаба” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 12 мартдаги ШЯ-О-1038-сонли аризасини, “Ғалаба” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 11 мартдаги 789-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Ғалаба” маҳалласида жойлашган 8 (саккиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 76,25 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 131,96 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 208,21 квадрат метр, қурилиш ости майдони 268,96 квадрат метр, умумий ер майдони 1336,5 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Отажонов Шермат Шоназаровичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Отажонов Шермат Шоназаровичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси “Ер

декси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи
гўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Отажонов Шермат Шоназаровичга ушбу қарор қабул
қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан
ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг
ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев